# ВЕТЕРАНЛАР ТАЖРИБАСИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

*Ундан инқилобий қайта қуришда самарали фойдаланайлик*

**Қадим-қадимдан катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кексалар, оқсоқоллар мажозий маънода қомусий билимлар сарчашмасига қиёс қилинган. Шундай билимдон, зукко қарияларнинг оламдан кўз юмушини ақл-идрок хазинаси ҳисобланган кутубхонага ўт кетишига тенглаштиришган. Чунки доно кишилар турмуш паст-баландини, унинг сабоғини ўзларида мужассам этган, йиллар давомида бебаҳо тажриба орттирган жонли қомус ҳисобланадилар. Ҳалқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» деб бежиз айтмаган.**

**Жамиятимизнинг барча жабҳаларини қайта қуриш, демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш учун курашаётган партиямиз ветеранлар тажрибасидан самарали фойдаланишга, бу беқиёс мулк умумхалқ ишига хизмат қилишига алоҳида эътибор бермоқда. Коллективлар, районлар, областлар, республикаларда ҳамда иттифоқ миқёсида уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари тузилганлиги, уларнинг фаолияти тўлақонли бўлиши учун ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги шундан далолатдир.**

**Ҳозирги пайтда республикамиздаги уч миллион пенсионер, шу жумладан 1 миллион 200 мингдан зиёд партия, уруш ва меҳнат ветеранлари бор. Улар колективларда иш олиб бораётган 7400 кенгашга бирлашганлар. Бу уюшмаларнинг тузилганига эндигина бир йилдан ошди. Шу қисқа даврдаёқ катта ҳаётий тажрибага эга бўлган отахон ва онахонлар нималарга қодир эканликларини намойиш этдилар. Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари тузилганлиги уларнинг қайта қуриш жараёнига қўшаётган ҳиссасини сезиларли даражада кўпайтирди.**

**Узоқ йиллар партия ва хўжалик органларида самарали ишлаган Жўра Хоназаров раислик қилаётган Тошкент область Оржоникидзе район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши фаолиятига бир назар ташлайлик. Уюшма тажрибали, омилкор кишиларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, уларнинг фаоллигини ошириш борасида кўзга кўринарли тадбирларни амалга оширмоқда. Райондаги 14.347 нафар ветераннинг 9 мингга яқини ҳозирги пайтда ижтимоий меҳнат билан банд. Улардан 2500 киши пудрат асосида сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва озуқакорликда ишлаяпти. Тўққиз минг пенсионер уйида қорамол, шу жумладан 3 минг сигир ва парранда боқиб ,гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтиришга салмоқли улуш қўшмоқда. Уч юз нафар ветеран қорамолни бўрдоқига боқиш билан шуғулланаяпти. Улар 1988 йили давлатга камида 100 тонна гўшт топширишга азму қарор қилишган. Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгаши Оржоникидзе район уюшмасининг бу борадаги ташаббусини маъқуллаб, уни кенг ёйишга тавсия этди.**

**Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши қарорига мувофиқ пенсионерларнинг турмуш шароитлари ҳамда дам олишлари билан боғлиқ масалалар комплекс тарзда ўрганиб чиқилганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Бу тадбирни ўтказишда Узсовпроф, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика Соғлиқни сақлаш, Савдо, Социал таъминот министрликлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари фаол иштирок этдилар. Областлар, шаҳарлар ва районларда фаолиятни мувофиқлаштирувчи комиссиялар тузилиб, уларга маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раис ўринбосарлари ёки секретарлари раҳбарлик қилишди. Шу жараёнда жумладан Бухоро областида 10 мингдан зиёд уруш ва меҳнат ветеранининг турмуш шароитлари ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Улар томонидан ёзилган 3.700 ариза, таклиф-мулоҳазаларнинг мингдан ортиғи зудлик билан қаноатлантирилди. Қолган масалаларни ҳал этиш маҳаллий Советларнинг қатъий назоратига олинди. 370 ветеран оиласининг уй-жой шароитлари яхшиланди, 105 пенсионернинг хонадонига телефон туширилди. Моддий ёрдамга муҳтож кишиларга 28,6 минг сўм берилди.**

**Айнан шундай йўналишдаги тадбирлар Тошкент областида ҳам амалга оширилди. 40 мингдан зиёд уруш ва меҳнат ветеранининг турмуш шароитлари ўрганиб чиқилган бўлса, уларнинг 18 мингдан ортиғига амалий ёрдам кўрсатилди. 129 пенсионер оиласига замонавий уйлар ажратилди, 306 хонадоннинг турар жойи ремонт қилиб берилди, 218 ветеран телефон билан таъминланди, 300 дан ортиқ якка ўзи яшовчи, бошқаларнинг кўмагига муҳтож пенсионерлар оталиққа олинди.**

**Республиканинг бошқа областларидаги отахон ва онахонларга ҳам худди шундай ғамхўрлик қилинди. Қисқа вақт ичида 560 оиланинг уй шароитлари яхшиланди, 1480 турар жой ремонтдан чиқарилди, 2050 хонадонга телефон туширилди, 460 ветеранга якка тартибда уй қуриш, 480 оилага эса дала ҳовли учун ер ажратилди, шу мақсадда давлат банкидан пенсионерларга 535 минг сўм қарз берилди, 1120 киши дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланма олди. Улуғ Ватан уруши инвалидлари алоҳида диққат марказида бўлди. Жумладан 18700 уруш ветеранига ёқилғи қийматининг ярми чегириб ташланди. Улуғ Ватан уруши инвалидларидан 1250 нафарига «Москвич» ва «Запорожец» енгил автомашиналари ажратилди. Моддий ёрдамга муҳтож кишиларга 465 минг сўм маблағ нафақа тариқасида берилди. Фақат ветеранларга хизмат қилувчи 1200дан зиёд савдо тармоқлари йўлга қўйилди. Бу ғамхўрликларнинг барчаси пенсионерларнинг кайфиятини кўтарди, турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилди, уларни ижтимоий ҳаётда янада фаолроқ иштирок этишга, қайта қуриш жараёнига бебаҳо тажрибалари билан улуш қўшишга ундаяпти.**

**Уруш ва меҳнат ветеранлари фаолларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ўтказилган учрашувида қўлга киритилган дастлабки муваффақиятлар таъкидланиши билан бирга бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган вазифалар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳақида атрофлича гаплашиб олинди. Мулоқотда қатнашганлар қимматли таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Жумладан фарғоналик меҳнат ветерани В. Музаффаров шундай деди: «1988 йилдан бошлаб Москвадан «Ветеран» деган ҳафтанома босиб чиқарила бошлади. Республикамизда бундай қилишнинг имконияти йўқдир. Область газеталарида жуда бўлмаганда ойига бир марта алоҳида саҳифада уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари фаолияти ёритиб борилса, айни муддао бўларди». Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, мураббийчилик ҳаракатини ривожлантириш ва бошқа ҳаётий масалалар юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Учрашув қатнашчилари танаффус пайтида ҳам қизғин мулоқотда бўлдилар, у ёки бу масалада ўзаро тажриба алмашдилар. Анжуман иштирокчиларининг бир нечаси билан суҳбатлашдик. Қуйида уларнинг дил сўзлари билан танишасиз.**



**Исмоил ҲАБИБОВ,**
**1-«Бухараагропромстрой» бирлашмасига қарашли 186-кўчма колонна бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони:**

— Меҳнат ветеранларининг тажрибаси, маслаҳат ва ўгитлари ҳеч бир нарсага қиёс қилиб бўлмайдиган бебаҳо хазина. Ўттиз беш йил қурилиш соҳасида ишлаб, ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бери бригадирлик қилиб бунга жуда кўп маротаба амин бўлганман. У кекса ва ёш авлодлар иши давомийлигининг мустаҳкам асоси ҳисобланади, ҳамиша ҳаётнинг узвийлигидан, боқийлигидан далолат бериб туради. Бригадамизнинг чорак асрлик тарихи бунга ёрқин мисол бўла олади.

Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь революцияси орденлари соҳиби Барот Очилов, Очил Муродов, Имом Ҳамидов, Зокир Ибодов сингари моҳир қурувчилар билан 15—20 йилдан бери коллективда худди оға-инилардек ишлаб келаяпмиз. Шу даврда Бухоро области қишлоқларида кўплаб турар жойлар, мактаб, боғча-ясли, маданий-маиший биноларни барпо этдик. Бригадамиз ёшлар учун ҳамиша касб-ҳунар ўрганиш, маҳоратни ошириш мактаби бўлиб хизмат қилади. Уларнинг энг қобилиятлилари, ташкилотчилари бир неча йилдан сўнг мустақил бригадалар тузадилар, кўчма колонна, трест ва бошқа ташкилотларга юқори лавозимларга кўтариладилар. Лекин бизнинг коллективда меҳнат фаолиятларини бошлаганликларини, қурилиш алифбесини шу ерда ўрганганликларини доимо фахр-ифтихор билан эслайдилар.

Қаландар Исмоилов бригадамизда ишлаётганларнинг иккинчи авлодига мансуб. Унинг коллективимизга келиб қўшилганига ўн йилдан ошди. Тажрибали бинокорлар унга мураббийлик қилишди, қурувчиликнинг сир-асрорларини сидқидил ўргатишди. У ўзининг тиришқоқлиги, янгиликка ўчлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Тезда коллективда ўз ўрнини топди. Фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. Унинг укаси Қаҳрамон Исмоилов ҳам акасига обрў-эътибор берган бинокорликни танлади. Икки йилдан бери сафимизда. Ветеранимиз Барот Очиловнинг ўғли Карим ҳам шунча муддатдан бери бригадамизда ишлаяпти. Буларнинг ҳаммаси кекса авлод тажрибаси ёшлар мулкига айланаётганини, эстафета ишончли қўлларга ўтаётганлигини, яъни кўҳна ҳаётнинг узвийлиги давом этаётганлигини тасдиқлайди.

Юздан зиёд бинокор меҳнат қилаётган коллективимиз билан боғлиқ барча масалалар ўн уч кишидан иборат бригада кенгашида атрофлича муҳокама қилиниб, ҳал этилади. Унинг қарорига мувофиқ 1987 йили тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишладик. Бинокорлик материалларидан тежаб-тергаб фойдаланилганлиги, ишлар муддатидан илгари тугалланганлиги туфайли 9 минг сўм маблағ қурувчиларга мукофот тариқасида берилди. Бригада кенгаши ишлаб чиқариш масалалари билан бирга ветеранлар тажрибасини оммалаштириш, интизомни мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда ҳам изчиллик кўрсатмоқда. Бир мисол келтирай: Содиқ Каримов, Маҳмуд Юсупов сингари бинокорлар ишга тез-тез кечикиб келадиган одат чиқариб, меҳнат интизомини буза бошлашди. Бригада кенгашининг аъзоси, тажрибали қурувчи Зокир Ибодов уларни ўз оталиғига олиб, дилдан суҳбатлашди, ёш қурувчилар йўл қўяётган камчиликларнинг сабабларини ўрганди. Кўп ўтмай ҳар икки йигит меҳнат интизомига тўла риоя этадиган, топшириқларни виждонан бажарадиган бўлди. Бугунги кунда улар пешқадамлар қаторидан ўрин олишган.

Коллективимиз ўтган йили «Когон» совхозида 764 ўқувчига мўлжалланган мактабни фойдаланишга топширганди. Ҳозирги пайтда эса Когон районидаги «Бухоро» совхозида 834 ўқувчи таълим оладиган мактаб биносини жадал қураяпмиз. Уни шу йил ишга тушириш учун курашмоқдамиз. Белгиланган планларни ошириб бажаришда бундан буён ҳам ветеран бинокорлар тажрибаси, ёшларга мураббийлик қилишлари бош омил бўлиб қолаверади.



**Михаил Иванович КОСИХ,**
**Ўзбекистон ССР уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши идеология масалалари бўйича доимий комиссиясининг раиси:**

Биз, ветеранлар ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияни изчил олиб боришни, халқлар дўстлиги ва интернационализмни тарғиб этишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз. Бу борада бошланғич ташкилотлар, район, шаҳар, область кенгашлари, республика уюшмаси қошидаги доимий комиссия бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, Наманган областидаги ўн бир район, 154 колхоз, совхоз, саноат корхоналарида, 320 мактаб, ҳунар-техника билим юрти ва бошқа ўқув даргоҳларида, кўпгина маҳаллаларда жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати хоналари ташкил этилган. У ерларда қизиқарли экспонатлар тўпланган, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилади. Шунингдек, Фарғона, Андижон, Сирдарё областлари, Тошкент, Навоий, Қўқон шаҳар кенгашларининг бу борада олиб бораётган ишлари эътиборга лойиқ.

Ўсмирларни Совет Армияси сафида хизмат қилишга тайёрлаш, улар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияни кучайтириш комиссиянинг диққат марказида бўлиб келаяпти. Республикамиз ёшлари, айниқса қишлоқда ўсиб-улғайганлар йигитлик бурчини ўташ чоғида мураккаб ҳарбий техникани бошқаришни ўзлаштиришда қийналаётганликлари, миллат ва элатларнинг ўзаро алоқа воситаси ҳисобланган рус тилини дуруст эгалламаганликлари биз, ветеранларни ғоят ташвишга солмоқда. Ўсмирлар билан учрашувлар, суҳбатларда ана шу масалаларга эътиборни қаратаяпмиз. Бир қатор тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, бу борадаги аҳвол бизни қониқтирмаяпти. Ўтган йили мамлакатимизнинг тўққиз регионида ёшларга анкета тарқатилганди. «Совет Армияси сафида хизмат қилишга тайёрланишда сизга ким ёрдам берди?» деган саволга ўсмирларнинг атиги икки ярим проценти ветеранлар кўмаклашишганини қайд этишди. Демак, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича ҳали жуда кўп иш қилишимиз зарур. Шу ўринда бир мулоҳаза айтай: ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш билан мактаб, комсомол, ДОСААФ, ветеранлар кенгаши сингари йигирмага яқин ташкилот ва уюшмалар шуғулланмоқда. Шундай бўлса-да, кутилган пировард натижага эришилмаяпти. Номлари санаб ўтилган ташкилотлар фаолияти марказлаштирилиб, улар ўтказадиган тадбирлар мувофиқлаштириб борилса, айни муддао бўлур эди.

Партия ва ҳукуматимиз ветеранларга катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамиша диққат марказида бўлиб келаяпти. Биз бу ғамхўрликларга амалий ишлар билан жавоб қайтаришга бел боғлаганмиз. Қайта қуриш, демократиялаш, ошкоралик жараёнини идеологик жиҳатдан таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишга астойдил ҳаракат қилаётирмиз. Ҳозирги пайтда ветеранлар ташкилотлари катта кучга айланган. Уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан оқилона фойдаланиш, уни умумхалқ мулкига айлантириш зарур. Шу мақсадда республика пойтахтида, область марказларида, районларда «Ветеран» клубларини очиш хусусида жиддий ўйлаб кўриш керак. Улар кекса авлод вакиллари ва ёшлар учрашадиган, маслаҳат оладиган, ўзаро мулоқот қиладиган маскан бўлиб қолади, жанговар, меҳнат шон-шуҳрати улуғланадиган марказга айланади, деб ўйлаймиз.



**Александра Панфиловна СЕРГЕЕВА,**
**Зомин районидаги «Зомин» совхози чўчқачилик фермаси бригадири, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати орденлари нишондори:**

— Мен Сибирда туғилиб-ўсганман. Новосибирск областининг Чистоозерний районида чўчқачилик фермасида ўн икки йил бригада бошлиғи бўлиб ишладим. Ўзбекистонга оиламиз билан кўчиб келганимиздан буён қарийб чорак аср ўтди. Шунча йилдан бери бир жойда — «Зомин» совхози учинчи фермасида меҳнат қилиб келаяпман. Ўзим севган касб — чорвачилик туфайли фаровон турмуш кечираётганимдан, кўплаб шогирдлар тайёрлаб чиқарганимдан ғоят мамнунман. Марзия Тоғаеванинг фермамизда ишлаётганига энди бир йил бўлди. Унга чорвачиликнинг сир-асрорларини қунт билан ўргатдик. Ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги туфайли тез орада ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди. Ҳозирги пайтда у ва турмуш ўртоғи оила пудрати асосида ишлашаяпти.

Бундай усул бригадамизда кенг қулоч ёймоқда. Татъяна Солдатова турмуш ўртоғи Анатолий билан оила пудрати негизида меҳнат қилишаётир. 500 бош чўчқа боласини семиртириш ва яхши натижаларга эришиш юзасидан шартнома тузишган. Улар қувончли ютуқларни қўлга киритишмоқда ва яхши даромад қилишаяпти. Жумладан март ойида Татъяна 690 сўм, Анатолий эса 580 сўм иш ҳақи олди. Анастасия Фёдорова эса ўғли Владимир билан ягона наряд асосида меҳнат қилмоқда. Бу оиланинг март ойидаги иш ҳақи 900 сўмдан ошди.

Коллективимиз биринчи кварталда пландагидан тўққиз тонна кўп, яъни 139 тонна гўшт топширишга муваффақ бўлди. Ҳозирги пайтда 5,5 минг бош чўчқа жадал семиртирилаяпти. Ютуқларни қўлга киритишимизда ветеранлар тажрибаси бутун бригаданинг мулки бўлиб қолганлиги, ёшлар кексалар бошлаган ишларни дадил давом эттираётганликлари муҳим аҳамият касб этаётир. Анна Жугало, Раиса Родионова, Просковья Моисеева сингари чорвадорлар билан 20—25 йилдан бери бир бригадада ишлаб келаяпмиз. Улар қанчадан-қанча ёшларга мураббийлик қилишди. Айбу Яхшибоев, Юрий Сорокин, Петро Штейн, Мамарайим Қурбонов, Юрий Шепа ва бошқалар ҳам бугунги кунда коллективимиздан муносиб ўрин эгаллашган. Исм-фамилиялариданоқ кўриниб турибдики, улар турли миллатга мансуб. Ўзбек, рус, тожик, қирғиз, немис ва бошқа халқларнинг вакиллари бир оиланинг фарзандларидек қўлни қўлга бериб аҳиллик билан меҳнат қилаяпмиз. Дўстлик, тенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик бизни бирлаштириб, янги зафарларга даъват этаяпти.

**Дарҳақиқат, уруш ва меҳнат ветеранлари республика, область, район кенгашлари, колхоз, совхоз, саноат корхонаси, автохўжаликлар ва бошқа муассасалардаги ташкилотларнинг фаолият даражаси тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Улар социал-иқтисодий ривожланиш ва маданий қурилиш жабҳаларида янада фаол қатнашаяптилар. Партиямиз ветеранларни ўз тажрибалари билан инқилобий қайта қуриш ишига хизмат қилишга чорлаяпти. Отахонлар ва онахонлар олиб бораётган ишлар бу даъватга «Лаббай» деб жавоб бераётганликларидан далолатдир.**

С. САИДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Ховос районидаги «Дружба» совхозининг Ҳайдар Примқулов бошлиқ бригадаси аъзолари 70 гектар майдонда деҳқончилик қилишаяпти. Пудрат асосида иш юритаётган коллектив 50 гектарда дон учун маккажўхори, 20 гектар ерда арпа аралаш беда ўстирмоқда. Айни кезларда экинлар меҳр билан парваришланаётир. Гектаридан 35 центнердан каҳрабо дон, мўл емхашак етиштириш пудратчиларнинг ягона мақсади.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Ҳ. Примқулов.

О. АДИЯНОВ фотоси.

## ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

### ЛЕНИНГРАД

Гавана метроси биринчи линиясида ишга тушириладиган участканинг узунлиги 10 километрга боради. Икки мамлакат мутахассислари Ленметрогипротрансдаги учрашувда шундай қарорга келдилар. Ленинградликлар коллективига Гавана метросини лойиҳалаш вазифаси топширилган. Аҳолиси 2 миллиондан ошиб кетган Гаванада йўловчилар ташиш муаммоси йил сайин кескинлашиб бормоқда. У ерда автобус асосий транспорт туридир. Лекин янги кварталлар Мелекон соҳилидан анча нарида барпо этилмоқда. Пойтахт аҳолиси шаҳар марказига тезроқ бора олиши учун ана шу метро зарур бўлиб қолди.

* * *

«Звезда» бирлашмасида кўплаб тайёрланган янги дизелларнинг дастлабки туркуми Байкал-Амур магистрали қурувчиларига жўнатилди. Корхона коллективи Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига олган мажбуриятлардан бири бажарилди. Дизелнинг янги модели ёнилғи ва мойни тежаб-тергаб сарфлайди, чет эллардаги энг яхши намуналардан бир ярим баравар кучли бўлган мотор қувватига эга. Янги конструкцияда дизелнинг оғирлиги ва ҳажмини анча камайтиришга муваффақ бўлинди.

### ҚРАСНОВОДСК

«Хизмат» кооперативининг аъзолари Красноводск Ленин номли совхоз меҳнаткашларига ёрдамга келишди. Кооператив чўпонлари шахсий молларни парваришлашни ўз зиммаларига олдилар. Бу ишда улар совхоз чорвадорларидан қолишмаяптилар. Аҳолидан ортиқча чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш ҳажми кўпайганлиги ҳам буни кўрсатиб турибди.

### ПЕНЗА

Бу шаҳарда бошланғич синф ўқувчилари учун ажойиб ижодий устахона очилди. Устахона К. А. Савицкий номли картиналар галереясида жойлашди. «Шодлик мактаби» деб аталган устахона ишқибоз болаларни гўзаллик дунёси сари етаклади. Қадимий бино залларида улар ажойиб тасвирий санъат усталари асарлари билан танишдилар ва ўзлари ҳам санъатдаги дастлабки қадамларини қўйдилар. Пенза рассомчилик билим юртининг тажрибали педагоглари ва картиналар галереяси ходимлари раҳбарлигида болалар ҳамда қизлар қалам, туш билан ижод қилмоқдалар, мўйқаламда ишлашни ўрганмоқдалар, пластилиндан турли нарсалар ясамоқдалар. Якшанба кунлари эса энг яхши асарлар шу ернинг ўзида, синфда намойиш этилмоқда.

### ҚОЗОН

«Урожай» колхози базасида Татаристонда биринчи агрофирма тузилди. Район агросаноат бирлашмасининг ремонт-техника корхонаси ҳам унинг составига кирган. Пландан ташқари олинадиган маҳсулотнинг ҳаммаси шартномавий нархларда сотилади. Лекин бу нарх давлат харид нархларидан баланд бўлмайди. Агрофирма ортиқча маҳсулот ҳисобига олинган фойдадан коллективнинг социал ривожланиш фондини тузишни режалаштирди.

### КИРОВ

«Маршал Конев ҳақида қисса» тўла метражли ҳужжатли фильмни атоқли саркарданинг юртдошлари биринчи бўлиб томоша қилдилар. Киров областининг Подосиновск районидаги Конев номли совхоз марказий қўрғонида мазкур фильм премьераси бўлди. Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Иван Степанович Коневнинг юртдошлари фильм режиссёри, Ленин мукофоти лауреати Лев Даниловни гулдурос қарсаклар билан олқишлаб, унга катта миннатдорчилик билдирдилар. Ижодкорга бундан ҳам ортиқроқ мукофот бўлмаса керак. Юз минут давом этадиган кино қисса саркарданинг кўпчиликка маълум бўлган ҳаёт саҳифалари билан бирга, мутлақо янги, жумладан, маршалнинг Берия устидан бўлган судда қатнашганлиги ҳақидаги материаллар ҳам киритилган.

### ЧЕЛЯБИНСК

Челябинск магазинларининг бирида нархи атиги 60—80 сўм турадиган оқ-қора тасвирдаги телевизорлар пайдо бўлди. Уларни «Полёт» ишлаб чиқариш бирлашмасида очилган радиоаппаратларга фирма техника хизмати кўрсатувчи «Гарант» маркази етказиб бермоқда. Бу ерда шаҳарликлар янги телевизор харид этганида, топширган эски телевизорлар яна «жонлантирилмоқда». Чорбоғчилар ва ҳаваскор боғбонлар бу буюмга айниқса қизиқиб қарамоқдалар. Харидорларнинг талабларига мувофиқ, «Гарант» мутахассислари илгари ўз саноатимизда ишлаб чиқарилган аппаратнинг ҳар қандай запас қисмлари ва узелларини магазин учун танлаб олмоқдалар.

(ТАСС).

## ОИЛАВИЙ ПУДРАТ САМАРАСИ

Шаҳар чеккасидаги Карл Маркс номли колхознинг Тошкентдаги катта Олой бозори ёнида жойлашган фирма магазинида эртаги помидор пайдо бўлгач, унинг бозордаги нархи анча тушди. Хўжалик ҳар куни ўзининг иккита магазинида уч тоннадан кўп помидор сотмоқда.

— Магазинларимизда помидоргина эмас, барча эртаги сабзавот, тузламалар, қўзиқоринлар ҳам бор, — дейди колхоз раиси Р. Акбаров. —Биз пландаги маҳсулотнинг 30 процентини ва пландан ташқари жамики маҳсулотни колхоз бозорларида сотиш тўғрисида давлат бизга берган ҳуқуқдан актив фойдаланаяпмиз. Оила пудрати шунча маҳсулот олишда кўп ёрдам бермоқда. Хўжалигимиз эса оила пудратига тўла ўтказилган.

Шундай қилиб, оила пудрати колхозни бир неча йил ичидагина даромадли қилдиқўйди. У жорий этилгач, йиллик даромад 5 миллион сўмдан ошиб кетди. Колхоз кассасига эса 800 минг сўм соф фойда тушмоқда. Эндиликда деҳқоннинг бутун кучқуввати ишлаб чиқариш жамоат секторига жамланаётганлиги сабабидан ҳам шундай бўлмоқда. Илгари сабзавотчилар колхоздан сариқ чақа ишлаб, асосий эътиборни шахсий участкаларидаги ишга қаратардилар. Чунки ёнгиналарида сабзавот талаб қилиб турган каттакон шаҳар бор.

Эндиликда колхозчи жамоат даласидан ҳам ниҳоятда манфаатдордир. У асосий даромадни айни шу даладан олади. Биттагина мисол келтирай. Б. Элибоев оиласи хўжалик билан тузилган шартномага мувофиқ, 2,38 гектар ерга 14 хил сабзавот экиши керак. Планга мувофиқ 48 тоннадан сал кўпроқ сабзавот етиштирса 9 минг сўм чамаси даромад қилади. Пландан ташқари маҳсулот учун эса нархининг 70 проценти миқдорида даромад олади. Хуллас, қўшимча даромад қилишга эҳтиёж қолмайди. 11 та сабзавотчилик бригадасидаги 700 та звенонинг ҳаммаси ана шундай шартнома билан ишламоқда. Бу звеноларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда бир ярим гектардан ерда деҳқончилик қилмоқда.

Бу ерда теплица хўжалиги ҳам, сут-товар фермалари ҳам янгича ишламоқда. Пудратга ўтиш натижасида парник ҳар квадрат метрининг йиллик сабзавот ҳосилдорлиги 18 килограммгача ва шампиньон ҳосилдорлиги 60 килограммгача етказилди. Шу вақтда ҳар бир соғин сигирдан пландаги 3.550 килограмм ўрнига 4.100 килограммдан сут олиш мумкин бўлди. Ана шу янгиликни излаш, илғор ишларни жорий этишга қизиқиш туфайли М. С. Горбачев яқинда Ўзбекистонга келиб, шу хўжаликни кўздан кечираётганида: «Сизларни оила пудратига ташвиқ қилгани келсам, сиз уни жорий эта бошлаган экансиз», деб айтди.

Колхозда даромад ҳисобидан кейинги йилнинг ўзидагина 1000 квадрат метр саҳнли теплица, йилига 5 миллион шартли банка консерва тайёрлайдиган завод, минг тонна сабзавот сиғадиган холодильник қурилди. Кейинги йилларда маданият уйи, поликлиника, дорихона ва социал-маданий-маиший аҳамиятдаги бошқа объектлар барпо этилди.

Ю. БОНДАРЕНКО,
ЎзТАГ мухбири.

